

Самарқанд давлат университетидида гиёҳвандлик ва кашандаликка қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

2020 йилида амалга оширилган ишлар:

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш, хотин-қизлар қўмитаси ҳудудий бўлимлари, вилоят диний-маърифий соҳа вакиллари билан ўзаро алоқа ўрнатган ҳолда барча факультетларда ҳамкорлик тадбирлари ташкил этилган. 2020 йил 21-25 июнь кунлари университетнинг барча академик гуруҳларида “Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни”га бағишланган “Гиёҳвандликка қарши кураш – барчанинг бурчи”, Гиёҳвандликдан хазар қиламиз, “Залолатга элтувчи йўл” “Аҳоли орасида гиёҳвандлик ва наркожиноятчиликнинг олдини олиш”, “Биз чекишга қаршимиз”, “Университет ҳудуди чекилмайдиган ҳудуд” ҳамда “Гиёҳвандлик умр заволи” мавзуларида профессор-ўқитувчилар ҳамда соҳа мутахассислари томонидан учрашувлар, давра суҳбатлари ва очик дарслар ўтказилган.

2020 йил 26 июнь куни Самарқанд давлат университети бош биноси фаоллар залида “26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш куни” муносабати билан “Гиёҳвандликка қарши кураш – барчанинг бурчи” мавзусида тадбир ўтказилган бўлиб, унда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, вилоят диний-маърифий соҳа вакиллари ҳам иштирок этишган (*баённомалар илова қилинади*).

2020 йил 22 январь куни Самарқанд давлат университети юридик факультетида Самарқанд вилояти ИИБ Ташкилий бошқармаси, вилоят ИИБ ЖК УМИБ ҳамда юридик факультети юриспруденсия йўналиши 1-курс талабалари иштирокида “Гиёҳвандлика қарши курашиш давр талаби” мавзусида давра суҳобати бўлиб ўтди. Тадбирда Самарқанд вилояти ИИБ ташкилий бошқарма бошлиғининг ўринбосари юридик таъминлаш бўлими бошлиғи майёр М.Каттақулов, вилоят ИИБ ЖК УМИБ тескор вакили подполковник А.А.Хайдаров ва ЖК тескор вакили капитан Э.Р.Джураевлар иштирок этишди.

Жорий йилнинг 15-22 февраль кунлари талаба-ёшлари ўртасида “Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларининг тарқалишига қарши кураш ойлиги” доирасида “Биз гиёҳвандлик ва ОИТСга қаршимиз” шиори остида спортнинг “Шахмат”, “Стол тенниси”, “Футбол” ва бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказилди (*расмлар илова қилинади*).

2020 йил 16 март куни университетнинг психология ва ижтимоий муносабатлар факультети талабалари учун “Биз гиёҳвандликка қаршимиз”

мавзусида давура суҳбати, 18 март куни Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги тергов бўлими билан университетнинг юридик факультети профессор-ўқитувчилари ҳамкорликда “Гиёҳвандлик – жамият кушандаси” мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда гиёҳвандлик воситалари, махсус рўйхатга киритилган ва давлат тамонидан назоратга олинган, гиёҳвандликни келтириб чиқарувчи синтетик восита (препарат)лар ва ўсимликлар ҳақида ва бу иллатга қарши курашишда биргаликда курашиш керак эканлигини ҳамда огоҳ бўлиш кераклиги такидланди.

2020 йил 24 март куни Самарқанд вилоят олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ўртасида “Дўстлик спартакиадаси” спорт мусоқалари доирасида “**Спорт билан оғусиз ҳаёт сари**” шиори остида спортнинг шахмат тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақада муносиб иштирок этган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари эсталик совғалари билан тақдирланишди.

2020 йил 5 апрель куни университетнинг **педагогика, мактабгача таълим, санъатшунослик** факультетлари ҳамда Самарқанд вилояти ИИБ, вилоят ОИТС маркази ходимлари билан ҳамкорликда “Ёшлар орасида экстремизм ва терроризм, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик, ОИТС каби илатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш” мавзуларида учрашувлар бўлиб ўтди. Тадбирда Самарқанд шаҳар Фақих Абу Лайс масжиди имом хатиби А.Муропдов, Ҳадис илми мактаби кафедраси ўқитувчиси З.Бегматов, ДХХ Самарқанд вилояти бошқармаси ходими А.Хикматулаев, Самарқанд вилоят ИИБЖҚБ ўта муҳим ишлар бўйича тескор вакили подполковник А.Ҳайдаров, Самарқанд вилояти ОИТС маркази врачлари М.Бўрхонов, Самарқанд вилоят ИИБ терроризм ва экстремизмга қарши кўрашиш бўйича ходими Ф.Маматқулов иштирок этишди.

Тадбир давомида ёшларга гиёҳвандлик ва психотроп моддалар, уларнинг ноқонуний фаолияти билан боғлиқ жавобгарлик чоралари, ҳамда гиёҳванд воситаларнинг инсон организмига салбий таъсири тўғрисида талаба ёшларга кўргазмалар слайдлар асосида батафсил маълумотлар берилди (*тадбир баённомалари илова қилинади*).

Шунингдек, Ўзбекистондаги нарковазиятга баҳо берилиб, дунёдаги наркотик моддаларнинг асосий қисмини ишлаб чиқарувчи Афғонистон ҳамда гиёҳвандлик воситаларининг ўтиш эҳтимоли юқори бўлган Тожикистон билан чегарадошлиги, бу эса ўз навбатида вилоят аҳолисини огоҳ бўлишига ундовчи асосий сабаблардан бири эканлиги тўғрисида фикрлар билдирилди.

**Ёшлар масалалари ва
маънавий-маърифий ишлар
бўйича проректор**

З.Раҳманова

ТАДБИРЛАРДАН ФОТО ЛАВҲАЛАР



